

Иқтибослар/сноски/references:

1. “Yoshlarga oid davlat siyosati to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasining Qonuni // Xalq so’zi. – 2016. – 15 sentabr.
2. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz. – T.: O’zbekiston, 2017. – B. 535.
3. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak // Xalq so’zi. – 2017. – 15 yanvar.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЖУМЛАДАН, ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ҚАРАШЛАР

Султонов Равшан Комилжонович магистр
Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали ўқитувчиси
Бобоёров Сардор Учқун ўғли
Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали талабаси

Барчамизга маълумки, инсоният вужудга келиб, мингйилликлар ўтиши натижасида уларнинг онги ривожланиб шу билан бир қаторда маданияти шаклланиб борган. Йиллар ўтиши билан инсонларда кўникма шаклланиб борган ва бунинг натижаси ўлароқ билим олишга бўлган эҳтиёж орта борган. Шу тариқа билим олиш, илмга интилиш юксалган. Бунинг яққол далили сифатида Ўрта Осиёда нафақат Ўрта Осиё балки Европа, яқин Шарқда ўзининг ўрнига эга бўлган буюк алломаларимиз етишиб чиққан. Ўз даврининг даҳолари ҳисобланган Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва бошқа жуда кўплаб алломаларимиз етишиб чиққан. Бундан кўриниб турибдики, ўша замонларда ҳам илмга жуда ката эътибор қаратилган. Имом Бухорий ҳам ўзининг “Ал-жоме ас-Саҳих” асаридаги ҳадисларида илм ҳақида шундай дейилган “Бешикдан то қабргача илм иста”[1].

Бизнинг қонимизда буюк инсонларнинг қони оқмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат рамзлари: байроқ, герб, мадҳия, конституция ва пул бирликлари қабул қилинди. Конституцияда таълимга тарбия жуда катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси шундай ёзиб қўйилган: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”.

Мустақилликни илк йиллари таълим тизимимиз мажбурий 9+3 яъни 9-йил мактаб, 3-йил касб-ҳунар коллежлари, академик литсейлар ва ундан сўнг олий таълим тизими эди. Гапимизнинг исботи сифатида 1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021-йиллар учун “Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди”[3]. Ушбу стратегия бир қанча йўналишлар сингари таълимни ҳам қамраб олди. Президентимизнинг ташаббуслари билан республикамиздаги барча умумий ўрта таълим мактаблари 11-йиллик тизимга ўтилганлиги, янгидан янги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари очилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Юртимизда айни вақтда 100 га яқин маҳаллий олий таълим муассасалари ва 20 дан ортиқ хорижий олий таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бу ОТМлар ичида тиббиёт олийгоҳлари алоҳида ўрин эгаллайди. 2020-йил 1 январ ҳолатига кўра ватанимизда жами бўлиб 10 та тиббиёт олийгоҳларида 20 мингдан ортиқ бўлажак шифокорлар таълим олмоқда. Биринчи президентимиз Ислам Каримовнинг қарорлари билан Ўзбекистонда тиббиёт таълим тизими 7 йиллик қилиб белгиланган эди, 2017-йилда Шавкат Мирзиёев томонидан барча соҳалари ислоҳ қилинди ҳамда бу тиббиёт соҳасини ҳам чеклаб ўтмади. 2017 йилдан бошлаб ўқиш даври 1 йилга қисқартирилиб, 6 йиллик ўқиш даври эълон қилинди ва белгиланди. 2020-йилнинг март ойи

ҳолати бўйича Ўзбекистон аҳолиси 34 миллионни ташкил қилмоқда. Шундан келиб чиқиб тиббиёт ходимлари ва шифокорларга бўлган талаб янада ортмоқда.

Тиббий олий таълим тизимини янада ривожлантириш учун бир қанча қонун, қарор, фармон ва қонун ости ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тиббиётимизни янада ривожлантирилиш белгилаб берилди. Бунга мисол тариқасида 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сон “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасалари фаолиятини ташкил қилишни ташкил қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 2017 йил 5-майдаги ПҚ-2956-сон “Тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 27 сентабрдаги 769-сон қарори “Тиббиёт кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармонни имзолади.

Ҳозирги замонда инсонларнинг билими ва малакаси жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини аниқловчи муҳим омилдир. Шунинг учун кўпчилик мамлакатларда таълимни ривожлантириш истиқболи энг муҳим асосий масалалардан бирига айланмоқда. Ўзбекистоннинг бугунги куни учун иқтисодиётнинг инноватсияларга асосланган ривожланишини таъминлаш вазифаси турмоқда. Шунинг учун Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислохотлар иқтисодиётда янги ўзгаришлар пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон таълим тизимида яқин вақтда ечимини қутаётган муаммолар мавжуд.

Биринчидан, республикамиз олий таълим муассасалари йиллик қамровининг пастлиги;

Ўзбекистонда талабалик ёшидаги аҳолининг олий таълим билан қамраб олинishi даражаси 9 фоиз бўлиб, бу Марказий Осиёда важаҳон миқёсида анча паст кўрсаткичдир. Ўзбекистон олий таълим тизими 67 ўқув юртдан иборат. (2016-йил ҳолатига кўра). Уларда 2015/2016 ўқув йилида жами 253 минг талаба таълим олишган. Режалаштиришнинг марказлашган тизими олий ўқув юртларига талабалар қабули миқдорини ҳам, улар таълим йўналишларини ҳам белгилайди. Олий таълимга давлат ғазнасига молиялаштириш мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,4 фоизини ташкил этади. Бу жаҳонда энг паст кўрсаткичларидан биридир.

Ўзбекистонда давлат бюджетидан ҳар бир талабага тўғри келувчи харажат Россияга нисбатан 2 марта, Туркияга нисбатан 3 марта, Малайзияга 7 марта кам. 2000 йилдан бери олий таълимни молиялаштиришнинг умумий миқдорида давлат ғазнасида харажатлар 60 фоиздан 35 фоизгача камайди. Давлат харажатлари камайishi билан олий ўқув юртлари кўпроқ таълим учун тўловлар ҳисобига молиялаштиришга ўтмоқда. Ўзбекистонда олий таълимни хусусий молиялаш даражаси (60 фоиз) АҚШга нисбатан (57фоиз) ва Буюк Британияга нисбатан (52 фоиз) ҳам юқори. Аҳоли даромадлари юқори бўлган мамлакатлар орасида олий таълимни хусусий молиялаштириш ўртача 29 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда олий таълимни хусусий молиялаштириш ҳажмининг ошиши нафақат тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабалар сони ошиши билан, балки таълим учун тўловлар миқдорининг кўпайishi билан ҳам боғлиқ. Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари ҳам кейинг йилларда ошгани ҳолда контракт тўлови миқдори тезроқ ошди. Натижада, мамлакат олий ўқув юртларига жамиятнинг бой қатламлари оилалари фарзандлари кириши улуши ошмоқда. Ўзбекистон олий таълим тизимида харажатларининг жорий тақсимооти ҳам олий таълим сифати юқорироқ бўлган мамлакатларда мос келмайди. Талабаларга бериладиган стипендиялар улуши ҳаддан кўп (олий ўқув юртлари бюджетининг деярли 40 фоизи) иқтисодий ҳамкорлик ва таррақиёт ташкилотига кирувчи мамлакатларда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади. Олий таълимни молиялаштиришдаги ушбу камчиликлар олий таълим муассасалари моддий техника базасининг ночор аҳолига тушушига сабаб бўлди. Боз устига, Ўзбекистон олий таълими тизимида илмий даражали ўқитувчилар миқдори 20-йил ичида 52 фоиздан 35 фоизгача камайди. 2014-2015 ўқув йилида ҳар 100 талабага компьютерлар сони 13 та, интернетдан фойдаланиб дарс ўтаётган ўқитувчилар сони 35 фоизини ташкил этди. Бир неча йил олдин кўпчилик олий ўқув юртларининг нафақа ёшига етган профессор-ўқитувчиларини лавози-

мидан олинб, ставаклари камайтирилгандан сўнг, баъзи кафедраларга мудир сифатида фан номзоди илмий даражасига эга бўлган мутахассисни топиш ҳам муаммо бўлди. Бу кейинг 25 йилда олий таълимдан кейинги босқичда ҳам етарли эътибор берилмагани ва илмий даражали олимларнинг мигратсияси натижасидир. Олий таълимни ислох қилиш Ўзбекистоннинг фуқаролик ва иқтисодий тараққиёти учун зарур. Мамлакат тараққиётининг ҳозирги ҳолати юқори малакали мутахассисларга талаби кучайтирмоқда. Ҳолбуки, Ўзбекистонда фақат ба-завий малакага эга бўлган ишчилар кўпчиликни ташкил этмоқда. Агар 2008 йилда ўзбек тадбиркорлари орасида ўтказилган сўровда уларнинг 73 фоизи бизнесни олиб боришдаги тў-сиқлар сифатида ишчиларнинг билим даражаси ва малакалари етишмаслигини кўрсатган бўлса, 2013-йилда Жаҳон банки ҳисоботини саноат фирмаларнинг 49 фоизи раҳбарлари олий маълумотли малакали мутахассисларни топишда қийинчиликлар борлигини кўрсатишган. Олий ўқув юртлари битирувчиларнинг билими ва малакаси сифатидан 33 фоиз фирма раҳ-барлари қаноатланган бўлса, 36 фоизи норози эканлигини билдирган. Бу хусусда, олий ўқув юртлари битирувчиларнинг анча қисми (турли мутахассисликлар бўйича 30-50 фоизгача) ўз йўналишини бўйича ишламаётганини кўрсатиш жоиз.

Иккинчидан, битирувчиларнинг иш билан тўлиқ таъминмаслиги;

Иш берувчилар, саноат ва олий ўқув юртлари орасидаги ўзаро алоқанинг бўшлиги иқ-тисодиётга инновациялар татбиқини секинлаштирувчи яна бир омилдир. Бунга асосий сабаб сифатида кадрларнинг ўз мутахассисликларини мукамал ўзлаштира олмаганлигидадир. Шу-нингдек, олий ўқув юртлари эса корхона ва ташкилотлар билан алоқани яхши йўлга қўй-маган. Ундан ташқари бизда айрим олий таълим муассасаларида таълим сифати яхши эмас-лиги ва етарлича билим, кўникма берилмаётганлиги энг катта камчиликдир. Ўзбекистонда таълим сифатини назорат қилиш Давлат тест маркази қошидаги махсус бошқармага томо-нидан юклатилган эди. Аммо ушбу бошқарма томонидан ўқув юртларини аттестатсия ва аккредитациялаш муддатлари кечикиши, аттестатасиядан ўтмаган ўқув юртларида раҳбарлатга интизоний чора кўрилмаганлиги, ўқув юртларининг моддий базаси ва про-фессор-ўқитувчилар салоҳияти ҳақида чуқур хулосалар чиқарилмагани, олий ўқув юртла-ридаги аҳвол тўлиқ ошқора этилмагани сабабли давлат томонидан таълим-тарбия сифатига қўйилаётган талаблар бажарилишида сусткашликка олиб келди. Бундан ташқари, ушбу бош-қарманинг талабалар қабулини амалга оширувчи марказ қошида бўлишлиги ҳам ҳолисона хулосалар чиқаришга ҳалақит берарди. Ш.Мирзиёевнинг 2017-йил 20-апрелдаги фармонга асосан таълим сифатини назорат этадиган Давлат инспекцияси Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилди.

Учинчидан, Ўзбекистонда таълим тизимини бошқаришда қатор камчиликлар мавжуд-лиги;

Таълим тизимини битта вазирликка юклатиш вақти келди. АҚШ ва Россия каби мам-лакатлар тажрибаси буни кўрсатиб турибди. Таълим муассасалари бошқарувини такомил-лаштириш, уларнинг мустақиллигини кучайтириш учун ректор, проректорларни тайинлашда ўқув юрти жамоаси раҳбариятининг 5 йил ишидан сўнг фаолиятларини баҳолаш керак ва ҳоказоларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Шу вақтдан келиб чиқиб ўзимнинг айнан олий таълимни ривожлантиришга доир так-лифларим:

- Ўзбекистонда бир вақтнинг ўзида 10 та олийгоҳга кириш учун ҳужжат топшириш им-кониятига эга бўлиши лозим (қўшни Тожикистонда айнаи вақтда бир абитуриент 10 та олий-гоҳга топшириш имконияти мавжуд);

- Амалдаги тест тизимини интернет-онлайн шаклига ўтказиш жоиз. Бунинг учун имти-хон ўтказиладиган хоналарда камералар ўрнатиш, тест топширилиши заҳоти жавобини чи-қариб беришни йўлга қўйиш;

- Таълим соҳасини ҳақиқий олимлар, зиёлилар бошқаришини таъминлаш;

- Олий таълим тизимидан бутунлай коррупцияни ёқ қилишни аниқ механизмини ишлаб чиқиш;

- Олий таълимда форма тушунчасини бутунлай олиб ташлаб, асосий эътиборни малакали мутахассислар тайёрлашга қаратиш.

- Олий таълим тизимини барчасини (тиббиёт бундан мустасно) кредит-модул тизимига ўтказиш;

Тиббиёт олий таълим муаммолари юқорида келтирилган муаммолардан ташқари кадрлар етишмалиги энг оғриқли ҳолат бўлиб қолмоқда. Кадрлар етишмаслиги кўпроқ воҳа аҳлига яъни Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ҳисобига тўғри келмоқда. Олдимизда турган энг катта иш эса юртимиздаги олий таълим тизимини малакали кадрлар битиришини таъминлаш, дунёнинг кучли топ-1000 таликга киритиш турибди. Чунки бу борада ҳам етарлича эътибор қаратилмаётганлиги ва “мутахассис тайёрланса етарли” деган эски тушунчалар, фан таълимдан ажратиб қўйилганлиги, халқаро ҳамкорлик борасида фаол ташаббуслар етишмаслиги халқаро рейтинглардан ўрин олишга тўсқинлик қилмоқда. Дунёнинг етакчи наشري бўлган ҚС талқини бўйича Ўзбекистон олий таълим муассасалари ичидаги энг яхши натижа Миллий университет (3793), Тошкент педиатрия институти Нукус филиали (6365), Самарқанд давлат тиббиёт институти (7833) ўринларда қайд этилган. Қўшнимиз ҳисобланмиш Қозоғистоннинг 10 та, Қирғизистоннинг 2 та олий таълим муассасаси қайд этилган [4].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон олий таълим тизимини хусусан тиббиёт олийгоҳларини битираётган талабалар малакасини ва қамровини ошириш керак. Дунёнинг ривожланган таълим муассасалари билан алоқани янада яхши йўлга қўйиш, у ерда таълим олишда кўмаклашиш зарурдир.

Иқтибослар/сноски/references:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий Ас-Саҳих» асари. – Т.: Шарқ, 2006..
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 2017-2021 йилларга мўлжалланган фармони 2017 йил 7 феврал // Халқ сўзи. – 2017. – 7 февр.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ЎҚИТИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Тохиров Рустам Солижонович
Қўқон университети катта ўқитувчиси

Маълумки, ахборот технологияларининг инсон фаолияти ҳамма жабҳаларга кириб бориш жараёни борган сари ривожланиб чуқурлашиб бормоқда. Умумий сони, кўп юз миллиондан ошиб кетган, кенг тарқалган шахсий компьютерлардан ташқари, ҳисоблаш тизимларининг махсус воситалари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу турли-туман ҳисоблаш техникасидан фойдаланувчилар сони ҳам кўпайиб бормоқдаки, бунда икки қарама-қарши тенденцияни ривожланиши кузатилмоқда. Бир томондан, ахборот технологиялари борган сари мураккаблашмоқда ва уларни қўллаш учун, ва уларни кейинги ривожланиши учун жуда чуқур билимлар талаб қилинади. Бошқа томонда, фойдаланувчиларнинг компьютерлар билан мулоқати соддалашмоқда бормоқда.

Ҳозирги кунда ёш авлодга жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Бу эса таълим соҳасига жуда катта талаблар қўйилмоқда, педагогларнинг ахборот технологиялари ва чет тилларини мукамал билишлари зарурлиги фикримиз далили бўла олади. Ҳар бир ёш авлод эртағимиз, келажакимиз эканлиги ва уларни тўғри йўналтириш, билим бериш педагоглар зиммасида экан уларнинг ўзлари бунга тайёр бўлишлари зарур. Педагогларни керакли даражада малака ва қўникмаларини шакллантириш учун уларга доимий равишта малака ошириш имкониятлари яратилиб берилмоқда.